

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

---

#### Муҳаррирлар:

Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

<b>З.Пардаева</b>	
Кредит-модуль таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилиш модели .....	94
<b>Ҳ.Жўраев, З.Раҳимов</b>	
Фурқат ижодининг ўзига хос хусусиятлари .....	103
<b>Х.Шарафиддинов</b>	
Қофиянинг функционал ва структурал эволюцияси .....	106
<b>Г.Муҳаммаджонова</b>	
Ижод психологизмининг бадиий талқини .....	110
<b>Я.Нишанов</b>	
Америка адабиёти тарихи: "Ва қуёш чиқмоқда" романидаги йўқотилган авлод.....	114
<b>А.Маҳмудов</b>	
Олмон адабиётшунослигида Шарқ мавзуси ва унинг эстетик роли .....	119

## ТИЛШУНОСЛИК

<b>А.Мамажонов, М.Мамажонов, Б.Полвонова</b>	
Тилшуносликда вариантлик масаласи ва унинг бошқа ҳодисалар билан муносабати .....	124
<b>С.Мўминов, А.Юлдашев</b>	
Сўз илмий талқинига бир назар.....	130
<b>М.Зокиров, Ф.Исомиддинов</b>	
Билингв нутқида фонетик интерференциянинг намоён бўлиши хусусида .....	134
<b>Н.Умарова, О.Холматова</b>	
Мақол ва матал тушунчаси, мақоллар семантикаси хусусида .....	139
<b>Г.Розиқова, М.Қурбонова</b>	
Чўлпон ва Бехбудий асарларида окказионал бирликларнинг қўлланилиши.....	143
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш .....	147
<b>Ш.Кахарова</b>	
Ўқитувчи мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари .....	151
<b>Р.Абдуллаева</b>	
Дунёнинг лисоний мақол манзарасида одамга эстетик баҳони ўрганиш муаммолари .....	155
<b>Г.Мамаджанова</b>	
Лингвокультуремаларнинг фрейм тақдимотлари параметрлари .....	159

## ПЕДАГОГИКА

<b>Т.Эгамбердиева</b>	
Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг педагогик таҳлили ва талқини .....	164
<b>Х.Ибраимов, К.Тоджибаева</b>	
Бўлажак тарбиячи ва бошланғич синф ўқитувчиларида инклюзив компетентликни ривожлантириш ижтимоий зарурат сифатида .....	170

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>М.Ҳакимов, Ш.Умурзакова</b>	
Озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси фанини ўқитишнинг назарий масалалари ва мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	174
<b>Н.Валиева</b>	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмитанинг ташкил этилиши омиллари.....	179
<b>М.Расулов</b>	
Ўзбекистон тарихини ўрганишда маданий мерос объектларининг ўрни .....	182
<b>Ф.Каримова</b>	
Ўзбек халқ лирикасида олов аналогларининг бадиий вазифаси .....	186

УДК 811.512.133+81'246.2

**БИЛИНГВ НУТҚИДА ФОНЕТИК ИНТЕРФЕРЕНЦИЯНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ ХУСУСИДА****О ПРОЯВЛЕНИИ ФОНЕТИЧЕСКОЙ ИНТЕРФЕРЕНЦИИ В РЕЧИ БИЛИНГВА****ABOUT THE MANIFESTATION OF PHONETIC INTERFERENCE IN BILINGUAL SPEECH****Зокиров Мухторали Турдалиевич<sup>1</sup>, Исомиддинов Фарҳод<sup>2</sup>**<sup>1</sup>Зокиров Мухторали Турдалиевич

–Фарғона давлат университети, тилшунослик кафедраси доценти.

<sup>2</sup>Исомиддинов Фарҳод

–Фарғона давлат университети, филология фанлари номзоди.

**Аннотация**

*Мақолада алоқага киришган тилларнинг ўзаро таъсири натижасида тилнинг фонетик сатҳида юзага келадиган фонетик интерференция ҳодисаси хусусида маълумот берилган. Фонетикинтерференциянинг ўзга тилли акцент билан муносабатлари, вужудга келиш сабаблари, ижтимоий ўрнига оид масалалар атрофлича ёритилган.*

**Аннотация**

*В статье рассматриваются вопросы фонетической интерференции, возникающей в результате взаимодействия языков на фонетическом ярусе языка. Подробно освещены взаимосвязь фонетической интерференции с иноязычным акцентом, причины её возникновения, вопросы социального статуса.*

**Annotation**

*In this article the issues of phonetic interference arising from the interaction of languages on the phonetic layer of the language are discussed. The interrelation of phonetic interference with a foreign language accent, the reasons for its occurrence, issues of social status are highlighted in detail.*

**Таянч сўз ва иборалар:** тил алоқалари, билингвизм, тил интерференцияси, фонетик интерференция, акцент, тилларнинг ўзаротаъсири.

**Ключевые слова и выражения:** языковые контакты, билингвизм, языковая интерференция, фонетическая интерференция, акцент, взаимодействие языков.

**Key words and expressions:** language contacts, bilingualism, language interference, phonetic interference, accent, language interaction.

Замонавий тилшуносликда она тили фонетик воситалари хусусиятлари (унли, ундош, урғу, интонация ва уларнинг бир-бирига муносабатларидаги она тилига хос томонлар) ўрганилаётган тилда беихтиёр қўллаб юбориш фонетик интерференция ҳодисасидир.

Фонетик интерференция таъсирида вужудга келган билингв нутқидаги талаффуз ўзгаришларини тадқиқ этиш, айниқса, унинг коммуникатив таъсири нуқтаи назардан жуда муҳимдир. Тил эгаси суҳбатдошининг талаффузига бўлган муносабат ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Мазкур муносабат тил эгасининг ижтимоий, маданий, сиёсий, миллий ва бошқа шахсий қарашлари мажмуаси, тасаввурлари ҳамда унинг тил тажрибаси таъсирида вужудга келади. Нутқий муносабатнинг талаффуз томони суҳбатдош шахси ҳақидаги мулоҳазанинг шаклланишида етакчи ўринга эгадир. Тил эгаси билингвнинг ўзга тил жамоасига

тааллуқли эканлигини аввало унинг талаффузи хусусиятига кўра, яъни сўзловчининг она тили фонетикасининг интерферент таъсири натижасида кўринадиган нутқнинг ўзгачалигидан аниқлайди. Акцент сўзловчининг шахсини аниқлашда энг муҳим кўрсаткичдир [3, 21].

Акцент термини асли лотинча («accentus»-урғу) бўлиб, у икки маънода ишлатилади: 1. Замонавий тилшуносликда урғу маъносида эмас, балки иккинчи тилни ўрганаётган шахс талаффузида она тилининг фонетик хусусиятлари мавжудлиги маъносида ишлатилади. 2. Мазкур сўзни урғу терминининг синоними сифатида ишлатиш унинг иккинчи маъносидир. Акцент термини шевага хос фонетик хусусиятларни тилнинг адабий шаклида қўллаб юбориш маъносида ҳам ишлатилади. Талаффуз ўзгачалиги фавқулудда мураккаб нутқий ҳодисадир. Сўзловчининг ўзга тил талаффуз нормаларидан чекинишлари, бир томондан,

## ТИЛШУНОСЛИК

акцент билан гапираётган шахснинг у ёки бу тилга мансублигини акс эттирувчи хусусиятдир. Шу билан бирга, акцентли нутқ ҳар қандай ўзга тилда гапираётган шахсга хос бўлган умумий белгиларга ҳам эга. Билингв нутқидаги иккинчи тил талаффуз нормалари бузилишининг ҳам умумий, ҳам ўзига хос белгилари мазкур тил эгасининг идрок ҳамда тил онгида акцентли нутқнинг умумий кўринишини ташкил қилади. Талаффуз ўзгачалигига конкрет ва атрофлича ёндашилса, у фонетик сатҳнинг фақат унли ва ундошларигагина хос бўлмай, балки урғу, интонация ва нутқ товушларининг комбинаторикаси ва дистрибуциясида ҳам намоён бўладиган ҳодисадир.

Акцентли нутқда сўзловчи томонидан иккинчи эгалланган тилнинг талаффуз системаси имкониятларига етарли даражада эркин эга бўлмаганлиги сабабли, она тили талаффуз моделларини қўллаб юбориши натижасида хатоларга йўл кўяди.

Албатта, тил эгалари нутқида ҳам қоидалаштирилган нормадан чекиниш ҳолатлари кузатилади. Улар ҳам система ва барқарор хусусиятга эга бўлиб, **маҳаллий акцент** тушунчаси билан боғлиқ. Ўзбек тилининг қипчоқ, ўғуз лаҳжалари вакилларининг нутқида учровчи шева элементларини маҳаллий акцентга мисол сифатида келтириш мумкин. Масалан, қипчоқ лаҳжасида сўз бошида *й* ундошининг *ж* ундошига ўтиши *йўл-жол*, *ер-жэр*, *ёмон-жамон*, *йигит-жигит* ёки ўғуз лаҳжасида сўз бошидаги *т* ва *к* товушларининг жаранглашиши *тағ-дағ*, *кел-гэл* ва ҳоказо. Маълум тилда сўзловчи болалар нутқида ҳам тил нормаларидан чекинишлар мавжуд. Бу, айниқса, тил нормаларининг шаклланиш ва барқарорлашувининг бошланғич даврида яққол кўзга ташланади. В.В.Виноградов ёзишича, «бола нутқи адабий нормадан қанчалик чекинмасин, уни акцентли талаффузга киритиб бўлмайди» [2, 14]. Бу билан В.В.Виноградов бола томонидан нутқ товушларини талаффуз қилишдаги артикуляцияси бу товушларни талаффуз қилишга ҳали тайёр эмаслигига ишора қилади. Шунинг учун ҳам болалар нутқида хос бўлган «бегона» талаффуз акцент таркибига киритилмаслигини В.В.Виноградов жуда тўғри таъкидлайди. Шу нуқтаи назардан В.В.Виноградов қарашларини

давом эттириб, акцент чегараси ёки доирасига фақат шеванинг адабий тилга муносабати ёки ўзга тил кишисининг бошқа тил бирликларининг талаффузи билан боғлиқ ҳолатларини киритиш мумкин.

Билингв нутқидаги нормадан чекинишлар ўзга тилни ўрганишнинг бошланғич даврида яққол кўзга ташланади.

Акцент ўзгарувчандир: ўзга тилни ўрганиш жараёнида билингв нутқи кучли акцентдан бошланиб, кейинчалик онгли равишда мунтазам машқ қилиш натижасида деярли билинмай кетиши мумкин.

Иккитиллилик вазиятида билингв нутқининг фонетик жиҳатдан шаклланиши нафақат нутқ жараёнида амалга оширилади, балки у ўзга тилдаги нутқнинг сифати, шунингдек, билингв томонидан ўзга тил талаффуз хусусиятларини айнан бир хил қабул қилиш (идрок қилиш) даражасига ҳам боғлиқдир.

Л.В.Шчерба, Е.Д.Поливанов, Н.С.Трубецкой асарларида ўзга тил товушларини ўзлаштириш жараёнида, сўзловчи уларни, албатта, она тили **фонологик элагидан** ўтказилади, деган ўта муҳим фикрлар алоҳида таъкидланган. Мазкур олимларнинг уқтиришича, она тилининг фонетик хусусиятлари ўзга тилнинг талаффуз системасига халақит беради ва нутқ сатҳида ўзгача акцент ҳодисасининг пайдо бўлишига олиб келади. Лисоний коммуникация икки тарафлама жараёндир: у нафақат гапиришни, балки эшитишни ҳам тақозо этади. Коммуникантлар ўртасида суҳбатнинг ривожланиши улар орасидаги ўзаро тушуниш даражаси, хабарни айнан бир хил қабул қилиш қобилятларига боғлиқдир. Одатда, интерференция шароитида билингвнинг нутқий фаоллиги она тилида олиб борилган мулоқотнинг табиий шароитларига нисбатан сезиларли даражада паст бўлиши натижасида секинлашув каби хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Тил эгаси билан бўлган нутқий муомала жараёнида билингвнинг эътибори кўпроқ суҳбатдош тилининг шаклига қаратилган бўлади.

Мулоқот вазияти, сўзловчининг тингловчига бўлган муносабати ва бошқа экстралингвистик омиллар билингвнинг диққат марказида бўлмайди.

Сўзловчи нутқидаги акцентнинг ижтимоий жиҳати бир қатор жаҳон тилшуносларининг диққатини ўзига тортиб келган ва ижобий ҳал қилинишини ҳамон кутаётган масалалардан биридир. Аммо ўзбек тилшунослигида акцентнинг бу жиҳати ҳанузгача назарий жиҳатдан ўрганилган эмас. Баъзилар акцент фикр алмашувига қийинчилик туғдирмайди, деган фикрга бориб, унга бефарқ қараса, айримлар, айниқса, чет тилини мукамал ўргатишга интилаётганлар акцентни қўпол лингвистик хато, деб ҳисоблайди. Чунки акцент аҳён-аҳёнда бўлса-да, фикрий мулоқотни қийинлаштиради. Бизнингча, акцентдан қутулиш ўта қийин бўлса ҳам, муттасил машқ орқали унга барҳам бериш мумкин.

Акцент ҳодисаси адабий норма тушунчаси асосида ҳам баҳоланиши керак. Акцентга бундай ёндашув моҳиятан тўғри бўлса ҳам, бошқа жиҳатдан унча тўғри бўлмайди, чунки у фақат нормадан чекиниш каби белгига ишора қилади. Нормадан чекиниш белгиси эса таъриф бериш учунгина зарур, лекин етарли эмас. Нутқий патология сабабли содир бўладиган талаффуз кўринишларининг акцентга алоқаси йўқ.

Дж.Хилл кузатишларича, инглиз тили америка вариантнинг тил эгалари акцентнинг уч кўринишини фарқлайди: а) инглизча бўлмаган акцент; б) америкача бўлмаган акцент; в) шевага хос. Акцент фақат лингвистик балоғат ёшига<sup>1</sup> етган ва камида бир тилни тўлиқ эгаллаган шахснинг нутқида хос. Бошқача қилиб айтганда, монолингвизмдан чиқмаган нутқий актлар жамоанинг тил малакаси томонидан фақат нормадан чекиниш нуқтаи назаридан баҳоланади. Агар сўзловчининг нутқи билингвизм доирасида амалга оширилган бўлса, норма бузилиши акцент сифатида баҳоланади.

Социолингвистик нуқтаи назардан акцент – бу, билингвизм вазиятида содир бўладиган талаффуз нормасидан чекинишнинг алоҳида кўриниши. Иккинчи тилга мурожаат қилган билингвнинг талаффузини идора қилувчи норма мавжудлиги акцентга хос жиҳатлардан биридир. Аввало, **билингвизм ва акцент**

масаласига мурожаат қилишдан олдин нутқда акцент доирасига нималар киришини аниқлаш зарур бўлади.

Жаҳон тилшунослигида ушбу масалага бевосита алоқадор қимматли фикрлар баён қилинган. А.А.Реформатский қарашларида акцент масалалари билан боғлиқ икки ҳолатни кузатиш мумкин. Биринчиси, у акцент доирасини кенгроқ тушуниб, уни барча тил сатҳларида содир бўлиши, аммо биринчи навбатда, талаффузда кўзга яққол ташланишини таъкидлайди [4, 154]. Иккинчиси, у акцент тушунчасини ўзга тил талаффуз системасига она тили талаффуз системаси кўникмаларини ихтиёрсиз равишда қўллаб юбориш тарзида тавсифлайди [4, 155]. А.А.Реформатскийнинг акцент хусусидаги «тилнинг барча сатҳларида намоён бўлади», деган тезисига қўшилиб бўлмайди. Бизнингча, акцент нутқ товушлари талаффузида кўзга яққол ташланади. Шунинг учун ҳам лексик ва грамматик бирликлар талаффузида бевосита нутқ товушлари билан амалга оширилгани учун акцент масалалари фақат фонетик сатҳга хос, деган қимматли қараш тарафдоримиз. Шу маънода А.А.Реформатскийнинг иккинчи қараши юксак илмий қимматга эгаллиги билан ажралиб туради, деб ҳисоблаймиз.

В.Вильдомец ва бошқа бир қатор тилшунослар акцент терминини тилнинг бошқа (лексик, морфологик, синтактик) сатҳларига нисбатан кенг қўллаш маъқул эмаслигини алоҳида уқтирадилар [5, 821]. Ҳақиқатан, бирор терминни асоссиз равишда бир-бирига ўхшамаган сатҳларга қўллаш, бизнингча ҳам унча тўғри эмас. Барча тилшунослар томонидан эса акцент тушунчаси остида чет тилида сўзлашувчиларнинг она тили таъсиридаги талаффуз ўзгачалиги ҳодисаси англашилади.

Акцент, унли ва ундошларнинг талаффузидан ташқари, урғу ва интонацияда ҳам кўзга ташланиб туради. Шунинг учун ҳам билингв нутқидаги унли ва ундошларнинг акцентли талаффузига қарши кураш урғу ва интонацияга ҳам баробар қаратилган бўлиши керак.

Ўзга тилни ўрганиш жараёнида, хусусан, унинг илк босқичларида, хато манбаини аниқлашга доим ҳам муваффақ бўлинмайди. Акцентологик ғализликларни

<sup>1</sup> Лингвистик балоғат деганда, одатда, 12-13 ёш оралиғи тушунилади

## ТИЛШУНОСЛИК

сўзловчининг она тили таъсири билан боғлаш табиийдир.

Шундай қилиб, акцент тушунчаси оддий бўлмай, турли ҳодисаларни қамраб олиши билан характерлидир. Икки тил системаси ва нормаси ўртасида интерференциянинг мавжудлиги акцентни белгилашнинг умумий ва асосий шартини бўлиши керак.


Акцентнинг икки кўринишини фарқлаш мақсадга мувофиқдир: унча муқимлашмаган **ўткинчи акцент** ва эътиборсизлик оқибатида мустақамланган **қолдиқ акцент**.

Хуллас, интерференция ва унинг нутқдаги акси бўлган акцентнинг манбаи **икки фонетик система ўртасидаги фарқнинг воқе бўлишидир** [2, 41]. Мазкур фикр ўта лўнда, аниқ бўлиб, лекин унда интерференция борасида атрофлича мулоҳаза билдирилган эмас. Аслида интерференциянинг турли кўринишларини таснифлаш учун доим бирламчи тил назарда тутилиши зарур.

Прогрессив билингвизм вазиятида алоқага киришган А ва Б тиллари ҳамда бир қанча И (интерферент ҳодисалар) мавжуд. Тилларнинг қайси бири бирламчи  $T^b$  (таъсир қилувчи) ва қайсиси  $T^k$  (қабул қилувчи) эканлигига қараб интерференциянинг барча кўринишлари икки гуруҳга ажратилиши мумкин:  $I_1=A^b \rightarrow B^k$ ,  $I_2=A^k \leftarrow B^b$ .  $I_1$  нинг хусусияти  $I_2$  дан фарқлигини У.Вайнрайх келтирган мисол аниқ кўрсатмоқда. Агар чўзиқ ва қисқа унлилар А тилда фарқланса ва Б тилда фарқланмаса,  $A^b \rightarrow B^k$  ҳолатида

билингвнинг иккинчи тилдаги нутқда фонемаларни меъёрдан ортиқча фарқлаш ҳодисаси содир бўлади,  $A^k \leftarrow B^b$  ҳолатида, аксинча, фонемаларни фарқламаслик ҳодисаси юзага келади. Интерференция ҳодисаси мазкур жараёнда вужудга келадиган акцентнинг фарқли психологик ҳамда лингвистик баҳоланишига олиб келади.

Т.Сковел таъкидлаганидек, акцентнинг мавжудлиги асл тил эгаларининг уни фарқлай олиш ва олмаслик қобилиятига боғлиқдир [2, 42]. Мазкур жиҳат акцент назарияси учун ниҳоятда муҳимдир, чунки у интерференция ҳамда акцент ҳодисаларининг нисбатан психолингвистик нисбийлигига ишора қилади. Акцентнинг мавжудлиги билингвнинг асл тил хусусиятларини фарқлай олиш қобилиятига эга эмаслигидандир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, одатий бўлмаган талаффузни сезиш билингв ўрганаётган тил эгасига алоқадордир. Иккинчи тилни ўрганаётган шахсга эса фонетик интерференция хосдир. Тилшунослигимизда масаланинг бу томони назардан четда қолганлиги сезилади. Интерференция координатив бўлмаган билингвизмда аниқ намоён бўлади. Юқорида келтирилган мисолдаги А ҳамда Б тилларида акцент моҳияти ҳар бир тил учун фарқлидир. Интерференция ҳамда акцент муносабатини В.А.Виноградовнинг қуйидаги чизмаси асосида кўриш мумкин:



Интерференция нуқтаи назаридан биринчи тилни аниқлашнинг муҳимлигини турли тил эгалари томонидан иккинчи тилда йўл қўйилган хатолар ҳам тасдиқлайди. Бундай ҳодисалар, айниқса, фонетик интерференцияни тадқиқ қилишда муҳимдир [1, 20]. Масалан, инглиз тилидаги

интердентал [0] ҳамда [ɪ] товушларини ўзга тил эгалари талаффуз қилганда, мазкур фонемалар ўрнига ўз тилларида мустақам ўрин олган яқин товушларга алмаштиради. Масалан, [0] ўрнида руслар [t], французлар [s], филиппинлар [t], японлар [s] ва ҳоказо товушни қўллайди.

С – сўзловчи,

Т – тингловчи,

И – интерференция,

$T^b$  – таъсир қилувчи тил,

$T^k$  – қабул қилувчи тил,

Т – иккинчи тил.

Маълумки, интерференция назарияси интерференциянинг яширин ҳажми икки тил ўртасидаги фарқлар миқдорига пропорционал эканлигидан келиб чиқади. Демак, алоқага киришган системаларни қиёсан ўрганиш, рўй бериши мумкин бўлган интерференцияни олдиндан аниқлаш учун зарур.

Билингвизм кўп қиррали ҳодиса бўлганлиги сабабли, интерференция назарияси омилларини ҳам ҳисобга олиш керак. Ўрганувчи онгида иккинчи тил унча системалашмаган бўлса, унинг нутқидаги интерференция ҳамда ўзга акцент шунчалик кучли бўлади. Демак, янги тилни муваффақиятли ўрганиш унинг систематиклигига эътибор беришни тақозо этади.

Фонетик интерференция юқоридаги интралингвистик таъсирлардан ташқари, экстралингвистик омилларга ҳам боғлиқ. Экстралингвистик таъсирлар сирасига,

даставвал, тилнинг ижтимоий мавқеи қандай эканлиги киради. Масалан, инглиз тилида французча талаффуз билан сўзлаш АҚШда ижобий қабул қилинса, Канадада, аксинча, нутқнинг салбий хусусияти тарзида қабул қилинади. XVIII-XIX асрлар рус киборлари даврасида французча талаффуз андозалари билан мулоқот қилиш маданиятлик белгиси ҳисобланган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, лингвистик интерференция ҳодисасининг кўринишлари орасида фонетик интерференция кўзга яққол ташланади. Иккинчи тилдан фойдаланиш жараёнида доминант тилга хос фонетик тизим бирликларининг намоён бўлиши фонетик интерференцияни вужудга келтиради. Бу эса тилшуносликда махсус атама – акцент термини орқали ифодаланади.

#### Адабиётлар:

1. Вайнрайх У. Языковые контакты. – Киев, 1979, стр.20.
2. Виноградов В.В. Лингвистические аспекты обучения языку. Вып. 2. К проблеме иноязычного акцента в фонетике. –М., 1976.
3. Вишневская Г.М. Билингвизм и его аспекты. Иваново, 1997.
4. Реформатский А.А. Обучение произношению и фонология. Ф.Н, 1959, №2.
5. Vildomec V. Multilingualism. Leyden, 1963.
6. MT Zokirov, SM Zokirova [Contrastive analysis at the phonetic level](#) - Academic Leadership (Online Journal), 2020.
7. MT Zokirov, SM Zokirova [On researching phonetic level of the languages](#) - GIS Business, 2020.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)